

Статья 27 обязывает собственников и (или) операторов, при обработке персональных данных граждан Республики Узбекистан, обеспечить сбор, систематизацию и хранение этих данных только на технических средствах, физически размещенных на территории Республики Узбекистан. Все это учтено при создании Веб-портала и цифровых инструментов Фонда, который является, в данном случае, собственником архивных данных Фонда Ш. Рашидова и обладает авторскими правами.

В заключении, хотелось бы отметить, что весь объем исследовательской работы к названным выше цифровым инструментам, при помощи которых наши архивы будут сохраняться и пополняться, позволила раскрыть новые страницы не только биографии выдающейся личности Ш. Рашидова, но и его многогранной деятельности на благо нашей республики. В условиях жесткого диктата центра требовались недюжинные усилия, высокий профессионализм и талант чуткого руководителя в каждом из его проектов, будь то освоение целинных степей, или создания новых отраслей промышленности, культуре и образовании, науке и технологии для Узбекистана.

Историческая оценка этого периода, как и феномен личности Ш. Рашидова, требует глубокого, достоверного и тщательного изучения на основе архивных материалов, включенных в вышеуказанные проекты. Данная оценка будет дана будущим поколением, которое сможет изучить оцифрованные архивные данные. Это история нашей страны, история наших отцов и дедов!

1. Мухаммадиев, Рахмон Рашидович, and Обиджон Ҳамид Ўғли Жайнаров. "ЎЗБЕКИСТОНДА ТОМОРҚА ХЎЖАЛИГИ ВА ҚИШЛОҚ ЁШЛАРИНИНГ МЕҲНАТ ТАРБИЯСИ (XX АСР 70 ЙИЛЛАРИ)." *Academic research in educational sciences* 2.3 (2021): 237-242.

ГУЛДУ ТУЗИЛМАСИДАГИ ҚАТАҒОН ҚУРБОНЛАРИ ХОТИРАСИ МУЗЕЙИНИ РАҚАМЛАШТИРИШ ХУСУСИДА

Эрбўтаева Ў.С.

ГулДУ тузилмасидаги ҚҚХ музейи директори

Ўрмонов Ҳ.Б.

ГулДУ тузилмасидаги ҚҚХ музейи ходими,

Тарих йўналиши 2-босқич магистранти

Бугунги замонда рақамли билимлар ва замонавий ахборот технологиялари тараққиётга эришишнинг муҳим шартларидан биридир. Рақамли технологиялар нафақат давлат ва жамият бошқарувини

такомиллаштиради ва ижтимоий соҳада одамларга катта қулайликлар яратади. Мухтарам Президентимиз Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг 2017-йил 31-август куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “Қатағон қурбонлари хотираси” давлат музейига ташрифлари чоғида “Бу музей музейларнинг музейи... бу каби музейлар ҳар бир вилоят марказида, ҳудудлардаги олий таълим муассасалари қошида бўлиши лозим”, - деган топшириқлари ижроси ўлароқ. Эл-юртимиз озодлиги, эркинлиги ва мустақиллиги учун олиб борилган кўп йиллик машаққатли курашларни ҳаққоний ва тўлақонли акс эттириш, мустабид тузум давридаги оммавий қатағонлар туфайли қурбон бўлган, инсонийлик шаъни, кадр-қиммати топталган ватандошларимизнинг хотирасини абадийлаштириш, ёш авлод қалбида Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат туйғуларини сингдириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017-йил 22 – ноябрдаги № 936-сонли қарори [1], асосида Гулистон давлат университети тузилмасидаги Қатағон қурбонлари хотираси музейи 2019-йи 1-февралдан ўз фаолиятини бошлаган. Бугунги кунда мазкур музейда замонавий ахборот технологиялари билан ишлаш жараёнларини йўлга қўйиш ишлари амалга оширилмоқда.

“Қатағон қурбонлари хотираси” музейи миллий манавиятимизни юксалишида тарихий аҳамиятга эга бўлган музейлардан биридир. Музей экспозициясини ташкил қилиш учун керакли бўлган ашёвий база яратилган. Тегишли архив ҳужжатлари, фотосуратлар, ашёвий буюмлар, китоблар, видеоматериаллар тўпланган. Вилоятимиздаги ўлкашунослик музейида сақланаётган қатағонлик даврига оид экспонатлар, керакли ҳужжатлар ишчи гуруҳ аъзолари томонидан музейга олиб келинган. Музейда асосан 1860-1990-йиллар оралиғида юз берган қатағонликнинг оғир жабр-зулумларини бошидан ўтказган шахсларнинг кундаликлари, раҳбарият билан ёзишмалари, уларнинг сақлаб қўйган китоблари, кундалик дафтарлари ва бошқа давлат архивларида сақланаётган ҳужжатлардан кўчирмалар сақланади ва тадқиқи қилинади. Ўрганилган материаллар доимий киоск қурилмасига киритилиб унга овоз ёзиш орқали саёхатчиларга етказиб бериш ишлари йўлга қўйилган.

Аждодларини яхши билган халқимиз боболаримиз ва момоларимиз етиб келган бой тарих, илм-фан, адабиёт ва санъат соҳаларида яратилган асарлар, урф-одатлар, қадриятларни авайлаб асраб, ўтган алломаларни ҳамиша хотирлаб эҳтиром бажо келтирмоқда. Бунинг замирида шубҳасиз, катта мано, теран моҳият ҳикмат ётади. Маълумки XX аср бошларида Туркистонда вужудга келган, миллий уйғониш ҳаракати намоёндалари халқни мустамлакачилик, ижтимоий ва маданий қолоқликдан олиб чиқиш учун ҳаракат қилган. Афсуски, ўша давр ҳукумрон доиралари ота-боболаримизнинг илмий-маънавий салоҳиятини йўқ қилишга қаратилган қатағон сиёсатини олиб борди. Уларга нисбатан ҳар-хил тухматлар

уюштириб, “Халқ душмани”, “Ватан хоини”, “Буржуа миллатчиси” каби ёрликлар билан отувга ҳукм қилганлар.

Музейда 1860-йилдан 1916-йилгача халқ қўзғалонларида иштироки учун иштироки учун жазоланганлар, Совет ҳокимиятига қарши кураш қурбонлари 1917-1924 йиллар, сиёсий айбловлар ва “қулоқлаштириш” қурбонлари 1925-1936-йиллар, “Катта қирғин” қурбонлари 1937-1938-йиллар, Иккинчи жаҳон уруши йилларида ҳамда 50-йилларгача бўлган даврда қатағон қилинганлар, “Пахта иши” ва “Ўзбеклар иши” хронологик йиллар кесимида илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020-йил 8-октябрдаги Қатағон қурбонларини меросини янада чуқур ўрганиш ва уларни хотирасини абадийлаштиришга доир қўшимча чора тадбирлар тўғрисида[2], Ф-5598 - сонли Фармойиши ижросини таъминлаш юзасидан вилоятда туман ва маҳаллалар кесимида, давлат архивлари бўлимларида илмий тадқиқот ишлари амалга оширилиб борилмоқда. Олинган маълумотлар рақамлаштирилиб видеопроектор қурилмаси ёрдамида ташрифчиларга кўрсатиб борилади.

Илмий тадқиқот ишларида аниқланишича Сирдарё вилоятидан мардикорликка олинганлар жами 42 киши бўлиб, улардан олий жазога 1 киши, сургун қилинганлар 6 киши, турли йилларга қамалганлар 17 киши, округ судлари томонидан жиноий жавобгарликка тортилганла 18 кишини ташкил қилади.

1917-1924 йилларда Туркистонда Совет ҳокимиятига қарши кураш олиб борган 76 нафар Сирдарёликларнинг олий жазога 1 киши, сурган қилинганлар 36 киши, Сирдарё вилояти инқилобий трибунали томонидан жазога тортилганлар 21 киши, ҳукуматга қарши курашда айбланганлар 4 киши, турли йилларга қамоққа олинганлар 14 кишини ташкил этади.

1930 йилда Совет ҳокимияти амалга оширган ижтимоий-иқтисодий жараёнлар, жумладан индустриялаштириш, қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш бутун Республика сингари Сирдарё вилоятининг ривожига ҳам салбий таъсир кўрсатди. Совет ҳокимиятининг олиб борган мана шу нотўғри сиёсатида қарши чиққан ва тўғри фикрни билдирган Сирдарёдаги маҳаллий аҳоли ўзининг қанчадан-қанча тадбиркор ва ишбилармон фарзандларидан махрум бўлди. 1925-1936 йилларда совет тузуми томонидан жами 302 нафар Сирдарёлик турли сиёсий айбловлар билан ноҳақ айбланиб жазоланганлар. Улардан олий жазога 5 киши, турли йилларга қамоқ жазосига 97 киши, меҳнат тузатиш лагерига 23 киши, сургун ва қулоқ қилинганлар 177 кишини ташкил этади [6].

Совет давлати сиёсий қатағонларининг энг юқори нуқтаси 1937-1938 йиллардаги “Катта қирғин” жараёни бўлди. СССР НКВДси томонидан 1937-йил 30-июль куни тасдиқланган №00447 рақамли мутлақо махфий буйруққа кўра қатағон 5-августда “барча республикалар ва вилоятларда” бошланиши лозим эди. Бу даврда давлат, фан, маданият арбоблари,

зиёлилар, уламолар, хаттоки оддий инсонлар ҳам қатағон домига торлиланганлар. Бугунги кунгача аниқланган малумотларга қараганда, Сирдарёда жами 195 нафар шахслар “Қатта қирғин” қурбони бўлдилар. Шундан олий жазога 15 киши, турли йилларга қамоқ жазосига 88 киши, сургун жазосига 19 киши, тергов, меҳнат тузатиш лагерлари ва турли жазоларга 27 кишини ташкил қилади [5].

Совет мустабид тузумининг қатағон сиёсати фашизмга қарши урушнинг қийинчиликларига қарамай давом этди. 1940-йилларнинг охири ва 1950-йилларнинг бошида, зиёлиларнинг энг илғор қисмига қарши қаратилган қатағонлик қиличи бир қатор ёзувчилар, шоирлар, олимлар ва бошқаларнинг бошига тушди. Бу жараёнда Сирдарёдан жами 47 нафар шахслар қатағон қилинган. Булардан турли йилларга қамалганлар 33 киши, сургун қилинганлар 10 киши, халқ душмани сифатида ҳукм қилинганлар 4 кишини ташкил этади.

XX асрнинг 80-йилларида собиқ Марказ томонидан ўзбек халқига нисбатан оммавий қатағонларнинг янги босқичи бошланди. “Пахта иши” деб ном олган сиёсий компания орқали ўзбек халқи шанига турли тухмат ва бўхтонлар ёғдирилиб, минглаб бегуноҳ инсонлар жазога тортилди. Сирдарё вилоятида бу жараёнда жами 184 киши ноҳақ айбловлар билан жиноий жавобгарликка тортилдилар. Улардан турли йилларга қамалганлар 150 киши. Тилхат асосида очиқликдагилар 12 киши, тергов жараёнида бўлганлар ва терговда вафот этганлар 22 кишини ташкил этади. Бу кўрсаткичлар Республикамиз вилоятлари ичида энг ёш вилоят ҳисобланган Сирдарё вилоятида намоён бўлмоқда[3;36]. Энди тарихий вилоятларимизни қанчалик жабр-зулм кўрганини тасаввур қилиш инсонни дилвайроналикка олиб келади [8].

Кейинги тадқиқотлар натижасида, музейда вилоятдан қатағон қилинганлар, сургун қилиниб вилоятга жўнатилганлар ва бошқа ҳолатларда қатағон қилинганлар тўғрисида “Қатағон қурбонлари” Сирдарё вилояти мисолида монография, Қатағон йиллари қурбонлари қўлланма, Миллатимиз фидойилари қўлланма ва 50 га яқин илмий мақолалар чоп этирилди [7].

Шундай қилиб кўрамизки чор мастамлакачилиги ва мустабид совет тузуми ўзининг 100 йилдан зиёдроқ давом этган ҳукумронлиги даврида ўзига қарам ва тобе бўлган миллий ҳудудларда, жумладан Ўзбекистонда ўз беододлиги ва қабоҳатини ҳар қандай йўллар билан бўлмасин амалга оширишга эришиб борган[4;12].

Рақамли технологиялар ташкил этилган музейлар тизими востилари ролини мултимедиялар, кодоскоп, компьютер, ноутбук, интернетга уланган телевизорлар, телефон линиялар, смарт доска, проекторлар бажариб беради. Бугун улар билан юртимиздаги музейларни қуроллантирилиши саёхатчиларга тушунтириб бериш сифатли ўтилишини таъминлайди.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори, 22.11.2017 йилдаги 936-сон. Ўзбекистон республикаси вазирлар маҳкамаси ҳузуридаги қатағон қурбонлари хотираси давлат музейи ва ҳудудлардаги олий таълим муассасалари тузилмасида қатағон қурбонлари хотираси музейларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармойиши, 08.10.2020 йилдаги Ф-5598-сон. Қатағон қурбонларининг меросини янада чуқур ўрганиш ва улар хотирасини абадийлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида.
3. Эрбўтаева Ў., Ўрмонов Ҳ. Қатағон қурбонлари Сирдарё вилояти мисолида. – Тошкент.: Фарзай полиграф. 2022, - 160 б.
4. Эрбўтаева Ў., Ўрмонов Ҳ. Миллатимиз фидойилари. – Гулистон.: ГулДУ нашриёти. 2021, - 92 б.
5. Исламова, Саодат Фуркатовна, and Ильяс Рахимзянович Шакиров. "ГЕНОЦИД В НАЧАЛЕ XX ВЕКА И СОВРЕМЕННЫЕ СПОСОБЫ ПРЕОДОЛЕНИЯ ЕГО ПОСЛЕДСТВИЙ." *Вестник развития науки и образования* 2 (2015): 72-76.
6. Ишанходжаева, Замира Райимовна. "К вопросу" социалистической модернизации" духовной жизни Узбекистана в 20-30-е годы XX века." *Высшая школа* 6 (2015): 39-42.
7. Ишанходжаева, З. Р. "Управление культурной политикой и идеологией в Узбекистане в 1920-е-1930-е гг." Южный Урал: история, историография, источники. 2018. 38-43.
8. Ишанходжаева, Замира Райимовна. *Репрессивная политика советской власти и культура Узбекистана: трагедия выживания (1925-1953 гг.)*. Тафаккур, 2011

ЗНАЧЕНИЕ ЦИФРОВЫХ ТЕХНОЛОГИЙ В ПРОВЕДЕНИИ ГЕНЕАЛОГИЧЕСКИХ ИССЛЕДОВАНИЙ ОБ ЭВАКУИРОВАННОМ НАСЕЛЕНИИ В ГОДЫ ВТОРОЙ МИРОВОЙ ВОЙНЫ

Исакова М.С.

доктор исторических наук, доцент,
главный научный сотрудник

Института истории Академии наук Республики Узбекистан

Информационный потенциал государственных архивов Узбекистана по проведению родословных изысканий об эвакуированном населении в годы Второй мировой войны не был объектом научных публикаций.